

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДА АХБОРОТ
КОМУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГЯЛарНИ ҚўЛЛАШ МОДЕЛЛАРИНИНГ
АҲАМИЯТИ**

Тухташева Рушана Садуллаевна

Таълим соҳасида жаҳон таълим стандартларига фаол интеграциялашувини таъминлаш учун олий таълим муассасаларининг таълим сифатини ошириш ва инновацион ривожлантиришга қаратилган ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида олий таълим тизимида масофавий таълимга бўлган эҳтиёжнинг ҳам тобора ошиб борилаётгани яққол номоён бўлди. Бу бир жиҳатдан, олий таълимдаги талабларнинг ортиши ва касбий таълимни тез-тез ўзгартириш зарурати билан боғлиқдир.

Масофавий таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади”[2:95].

Масофавий ўқитиш – бу масофадан туриб ўқитиш, қайсики ўқув машғулотларининг барчasi ёки кўп қисми телекоммуникацион ва замонавий ахборотлаштириш технологиялар асосида олиб борилиши билан таснифланади. Масофавий ўқитиш технологияси бўйича барча топшириклар масофадан туриб бажарилади, топшириклар эса олий ўқув юрти томонидан топширилади. Масофавий ўқитишда ўқув жараёни кетма-кет келадиган мулоқотда бўлиш ва мулоқотда бўлмаган даврлардан иборат. Ўқитиш шаклларининг барча турлари, ўқув жараёни мулоқотда бўлиш даврида ва мулоқотда бўлмаган даврида ўз хусусиятига кўра қўлланилади.

Таълим соҳасида жаҳон таълим стандартларига фаол интеграциялашувини таъминлаш учун олий таълим муассасаларининг таълим сифатини ошириш ва инновацион ривожлантиришга қаратилган ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида олий таълим тизимида масофавий таълимга бўлган эҳтиёжнинг ҳам тобора ошиб борилаётгани яққол номоён бўлди. Бу бир жиҳатдан, олий таълимдаги талабларнинг ортиши ва касбий таълимни тез-тез ўзгартириш зарурати билан боғлиқдир.

“Масофавий таълим атамаси” атамаси баъзи ёки барча ўкувчиларинг фазовий жиҳатдан бир-биридан ажralиб туриши умумий бўлган турли хил таълим технологияларига ишора қиласи. Таълимнинг барча турлари сингари масофавий таълим ҳам ўқув жараёнининг асосий таркибий қисмлари: фан мазмунини тақдим этиш, ўқитувчилар билан ўзаро муносабатлар амалий вазифаларни бажариш асосида қурилади.

Масофавий таълимда АКТни қўллашнинг учта модели мавжуд:

1. Синф модели бир синф учун мўлжалланган бўлиб, турли жойларда жойлашган ўкувчилар гурухи учун. Бу ўқув жараёни қуидаги ҳолларда содир булади:

а) оддий анъанавий тарзда ўқитиладиган ва масофавий таълимни бирлаштирадиган талабаларнинг аралаш синфи.

-ушбу модельнинг ассоий хусусияти синфлар синхрон алоқаларни ўз ичига олади, талабалар билан ўқитувчилар маълум бир вақтда маълум бир жойда булишлари лозим бўлади;

-иштирокчилар сони бирдан беш ва ундан ортиқчага ўзгариб туради;

-иштирокчилар сони қанчалик кўп бўлса, техник мантикий ва когнитив мураккаблик шунчалик юқори бўлади;

-курс мазмуни тақдимот, босма нашрлар, компьютер дисклари ёки ведиороликлар орқали амалга оширилади, талабалар уларни исталган қулай вақтда ўрганиши мумкин.

Трансформатция модели. Компьютер конференцияси, мустақил таълим учун тайёргарлик материаллари (яъни босма материаллари асосида мустақил ўрганиш). Масофавий таълимда АКТдан фойдаланиш учун қабул қилинган моделга боғлиқ бўлмаган баъзи талабларни шакллантириш мумкин:

1. Ўқув материалларини тарқатиш тизимини ташкил қилишда барча талабалар уларни ўз вақтида олишлари мухимдир.

2. Имтиҳонлар таълим муассасасининг ўзида ёки маҳсус ташкил этилган масофавий имтиҳон пунктларида ўтказилиши мумкин.

Дастурий таъминот-бунга кўрсатмалар, матн ва график рамкалар, компьютер анимацияси, видео ва аудио клиплар киради. Ушбу тизимни виртуал синфхона деса ҳам бўлади.

XXI аср бу ахборот технологилар асидир. Шундай экан таълим жараёнига кўплаб педагогик технологиларни жорий қилгандек масофавий таълимни ҳам юкори ўринга кўтариш буугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Масофавий таълимнинг афзаллик тарафлари жуда кўп, масалан масофавий таълим дарс жараёнида ўқитувчи турли хил ведиороликлар, анимациялар, график ёзувлар в.х.к.лардан фойдаланиши, талабалар эса унинг керакли бўлган қимларини ўзларига сақлаб қўйиши мумкин, лекин шунга қарамай масофавий таълининг ютуқлари билан бирга камчиликлари ҳам мавжуд.

(А.А. Леонтьев). Масофавий ўқитиши усулидан фойдаланишнинг камчилиги – ўқитувчи ва талаба ўртасидаги бевосита мулоқот ва психолигик бирликнинг чегараланганлигидир[4:143] деб таъкидлаган.

Лекин шуни таъкидлаб ўтиш керакки олий таълим тизимида масофавий таълим бу янги тизим десак муболага бўлмайди. Шундай экан ҳозирги вақтда ОТМда масофавий таълимни жорий этиш билан бирга тизимдаги камчиликлар, муаммоларни ҳам теран ўрганиб ва ечимлар топишимиз, тажриба орттириш орқали соҳани такомиллаштириб бораверишимиз лозим.

Амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, масофавий таълим жуда талабчан таълим шаклидир. Масофавий таълимнинг сифатига мотивация, интизом, талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг фидоиилиги тегишлича таъсир қиласди. Ҳозирда масофавий таълим шаклини ташкил этишда етарлича хуқуқий асослар мавжуд эмаслиги, инфратузилманинг этишмаслиги, АҚТдан фойдаланишдаги муаммолар маълум маънода тўсиқ бўлмоқда[7:100].

Мазкур жараёнлар ҳусусида Президентимиз Ш.Мирзиёев: “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир”-деб таъкидлаб ўтган эдилар. Юқоридаги таҳлилларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларида масофавий таълим жараёнида ахборот комуникацион технологияларни қўллаш бўйича қўйидаги таклифларни илгари сўраман:

- Масофавий таълим тизимида янги ахборот технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш учун янги моддий-техник базани яратиш;
- Замонвий ахборот-комуникацион технологияларни таълим тизимига жорий этиш механизмини ишлаб чиқиш;
- Талабаларни замонавий ахборот-комуникацион соҳаларидаги билим ва кўникумаларини шакллантириш;
- Таълим-тарбия ва ўқитиши жараёнининг самарадорлигини ошириш в.х.к.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. газ//“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси. 22-dekabr 2022-yil 51 (997). “Шарқ”. – Тошкент. – 6 б.

2..Маматалиев Т. Замонавий таълим тараққиётида масофавий таълим имкониятлари. //жур. Ўзбекистонда олий таълим №4. – Тошкент.: Sano-standart МЧЖ. 2022. (94-100-бетлар).

INTERNATIONAL CONFERENCE PEDAGOGICAL REFORMS AND
THEIR SOLUTIONS
VOLUME 2, ISSUE 1, 2024

3. Джураев Р.Х ва бошқ. Педагогик атамалар лугати. – Тошкент 2008, 135 б.
4.Р.Ҳамдамов, У.Бегимкулов, НТайлоқов./Таълимда ахборот технологиялари. Олий таълим муассасалари учун / ЎзМЭ давлат илмий нашриёти. -Т.: 2010,120 б.